

ISSN 3030-3370


№ 2,3 (9) 2025



AYNIY VORISLARI

XALQARO ELEKTRON JURNAL
INTERNATIONAL ELECTRONIC JOURNAL





ISSN 3030-3370

“AYNIY VORISLARI”

xalqaro elektron jurnal

«НАСЛЕДНИКИ АЙНИ»

**международный электронный
журнал**

“AYNIY’S SUCCESSORS”

international electronic journal

№ 2,3 (9) 2025

*Жамилова Башират Сатторовна,
Бухоро давлат университети профессори,
филология фанлари доктори
(Ўзбекистон)*

E-mail: flowergamilova@gmail.com

*Маликова Гўзал Турсунўлатовна,
БухДУ мустақил изланувчиси
(Ўзбекистон)*

E-mail: guzalmalikova91@gmail.com

ЖЎРА ФОЗИЛНИНГ “ТИРАМОҲ АРМОНЛАРИ” РОМАНИДА ТАРИХ ВА ТАҚДИРЛАР ТАЛҚИНИ

Аннотация. Жўра Фозил Бухоро адабий ҳаракатчилигида ранг-баранг жанрдаги асарлари, хусусан, кисса ва романлари билан ажралиб туради. Унинг асарларида ўзи мансуб давр ижтимоий воқеалари, бадиий ва ҳужжатли деталлар тасвирининг уйғунлиги, журналист, муҳаррир ҳамда адиб образи талқинидаги ифода усуллари ўзига хосдир. Адибнинг “Тирамоҳ армонлари” романи эса композицион қурилиши, образлар ва воқеалар силсиласи, табиат тасвирининг қаҳрамон руҳияти билан вобаста акс этиши жиҳати билан ёзувчи индивидуал услубини белгилай олган.

Калит сўзлар: композиция, сюжет, муқаддима, тахририят, муҳаррир, автобиографик, бадиийлик, публицистик, тасвир, деталь, прототип.

Abstract. Jura Fazil stands out in the literary movement of Bukhara with his works in a variety of genres, in particular, short stories and novels. His works are characterized by the harmony of the depiction of social events of the period, artistic and documentary details, and expressive methods in the interpretation of the image of a journalist, editor, and writer. The writer's novel “Autumn Dreams” defined the individual style of the writer in terms of compositional structure, sequence of images and events, and the way in which the image of nature is reflected in connection with the heroic spirit.

Keywords: composition, plot, introduction, editorial, editor, autobiographical, artistic, journalistic, image, detail, prototype.

Аннотация. Джура Фазиль выделяется в литературном движении Бухары своими произведениями в самых разных жанрах, в частности, рассказами и повестями. Его произведения характеризуются гармонией изображения общественных событий того времени, художественными и документальными подробностями, выразительными приемами в трактовке образа журналиста, редактора, писателя. “Осенние грезы” определил индивидуальный стиль писателя в плане композиционного построения, последовательности образов и событий, в том, как образ природы отражен во взаимосвязи с героическим духом.

Ключевые слова: композиция, сюжет, вступление, редакция, редактор, автобиографический, художественный, публицистический, образ, деталь, прототип.

Кириш. Дунё буюк эврилишлар палласининг янгидан-янги босқичларига ўтиб турибди. Асримиз бошларида компьютер авлодларини тушуниш билан овора эдик, бугун виртуал олам ёшларимизни ўзининг глобал ахборий қонуниятларига “ғарқ” этмокда. Ҳатто миллий қадриятларимиз, анъаналаримизнинг виртуал оламга сингиб кетаётганини надомат билан кузатиб турибмиз. Хусусан, ўсмир ёшлар ўз муаммолари, кизиқишлари, ташвишларини истаган ҳолатда онлайн “тўкиб-сочмоқдалар”. Чунки “бугунги кунда болаларимизни ота-она, боғча, мактаб ёки институт эмас, аксарият ҳолларда кўлидаги телефон “тарбияламокда”. Афсуски, ана шу кичкинагина телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпинча, ёт мафқурани тарғиб этадиган катта қуролга, зўравонлик, ёвузлик “вируси”ни тарқатадиган манбага айланмокда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Миллий маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли гоялар, тушунча ва қарашлар чегарани бузмасдан, билдирмасдан, таъбир жоиз бўлса, “чақирилмаган меҳмон” бўлиб хонадонимизга, жамиятимизга, энг ёмони, мурғак болаларимизнинг покиза қалби ва юрагига кириб келмокда [1,3.]

Дарҳақиқат, авлодлар алмашинуви нафақат саналар ва рақамларни ортда қолдириб келмоқда, балки маънавий оламимизни тобора забт этаётган экан, адабиёт олами, асарлар катидаги яқин тарихимизнинг ёрқин лавҳаларини ёд олиш, уларга мурожаат қилиш кечаги кунимизни унутмаслик ҳамда бугуннинг қадрига етишимиз учун ниҳоятда зарур ҳисобланади.

Профессор Қ.Йўлдошев истиклол даври адабиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шундай ёзади: “Бугунги адабиёт одамларга йўл кўрсатишни гарданига олмайди, ўқувчига ақл ўргатмайди, муаллимлик даъвосини қилмайди. У тасвирнинг ингичкалиги, ифодаларнинг қутилмаганлиги билан ўқувчида муносабат уйғотади. Шунини айтиш керакки, истиклол адабиётимизнинг жозибаси сиртида эмас, ботинида, матн замирида” [7,21].

Асосий қисм. Бинобарин, бухоролик истеъдодли адиб Жўра Фозилнинг “Тирамоҳ армонлари” 2005-2007 йилларда ёзилган. Роман муаллифнинг акаси ва устози Яҳё Абдувахоб ўғли хотирасига бағишланган. Ёзувчи бу асарида нафақат икки асосий қаҳрамон – кишлоқ зиёлиси Камол ва Жамолнинг босиб ўтган йўли, қувонч-ташвишлари, балки катта бир давр муаммоларини қамраб олишга ҳаракат қилган. Ундаги воқеалар ярим асрдан зиёдроқ вақтни ўз ичига олади. Асар сюжетида Жамол образи алоҳида ўрин тутати. Романнинг бошидан охиригача унинг тақдири ва қисмати воқелик мазмунини белгилайди. Асарнинг композицион тузилиши ўзига хос. Унинг муқаддимаси тугун – Жамолнинг энг яқин дўсти Содиқнинг вафот этиши воқеаси билан бошланади. Қаҳрамоннинг дўстига садоқати, фарёди, маҳзун аҳволи ўқувчига таништирилади. Бунда қаҳрамон руҳий ҳолати билан табиат ўзаро монанд тасвирланади: “Кузнинг сўнгги кунини, қишнинг биринчи туни эди. новдаларда беҳол титраётган яккам-дуккам япроқлар, оёқ остидаги хор-зор ҳазонлар, афтодаҳол дарахтлар туни билан уввос солиб йиғлардилар:– Она табиат Бухоро кўкида ўлим топаётган Акрабга мотам тутиб бўзлади” [3,4]. Сўнгга, дўстини тупроққа топшириб қайтган Жамол ўзининг эски ва қадрдон уйида ёлғиз қолиб, хотиралар оғушига шўнғийди. Шу муносабат билан ҳар бир давр воқеаси асарда алоҳида фасл бўлиб белгиланади. Жумладан, романда “1960 йил 10 январь”, “1965 йил 21 март”, “1965 йил, 5 декабрь”, “1966 йил, 10 апрель” “2006 йил 9 сентябрь” каби жами XXXIX (39) санадан иборат боб ва фасл кўзга ташланади. Бу саналар ўқувчида Жамол ҳаётининг ёрқин хотиралари тарзида таассурот уйғотади. Айни пайтда шу давр воқеаларининг аксарияти тирамоҳ – куз ва қиш изгирини билан боғлаб тасвирланган. Қолаверса муқаддимдаги дўстининг ўлими, хотимадаги Жамолнинг оғир бетоблиги ҳам куз адоғи, изгирин маҳалида содир бўлган. Бинобарин, асарнинг ёзилиши ва номланишида шу фаслнинг айрича ўрни, ўқинчилари муҳим аҳамият касб этган.

Романнинг тузилиши, бадиий тасвир воситалари, сюжет талқинида истиклол даври адабиётининг таъсири катта. Чунки ҳар бир давр ўз муаммоси ва қиёфасига эга бўлади. Академик Д.С.Лихачев бу ҳақда шундай ёзади: “Давр инсонни четлаб, ҳеч нарса ярата олмайди. Давр инсон ва унинг мақсади орқали тасвир омилига айланади. Бунда у ҳар кимга ҳар хил таъсир этади. Чунки турли даврларда инсонларнинг жамиятда тутган ўрни турличадир” [4,224]. Дарҳақиқат, мустиқиллик йилларида яратилган асарларда ёзувчи дилидаги гапларни тилига чиқаришга эришди. Бунда асар қаҳрамонларининг фикрлаши, тафаккури ва дунёқараши айни дамдаги муаммолар билан бандлиги кўпроқ кузатилади. Асосий персонажлар тилидан ёзувчи ўз қарашларини баён қилиб бориши ҳам кўп учрайди. Жумладан, Жўра Фозил Жамол образи орқали ўзини узоқ йиллар қийнаб келаётган дард аламларини айтишга журъат қила олади. Ёзувчи танлаган услуб, реалистик тасвир манзаралари ҳам шу мақсадга йўналтирилган. Роман “замондан озикланади, замон эса ундан ўз қиёфасини кидиради, унинг воситасида ўзини янада яхшироқ англашга ҳаракат қилади”, - дейилган эътироф баайни Ж.Фозил романига ҳам хос. Ёзувчи романида муҳим ҳаётий муаммолар ёрқин бадиий акс эттирилган. Ромитан тумани газетаси ходими Жамолнинг мухбирлик фаолияти орқали ўз юрти тарихига қизиққан фидойи журналистнинг кечинмалари реал тасвирланган. Қизилқум саҳроларидаги чўпонлар захмати, ноқулай об-ҳаво шароитида зўрға жон сақлаган чўпон-чўлиқлар, аммо улар меҳнатини канадай сўргувчи айрим раҳбарлар сиймоси романда яққол гавдалана боради. Ёзувчи асарда реалистик ҳаёт манзараларини бадиий тасвирга солишга интилади. Романда табиат манзаралари алоҳида таърифланади, ташбеҳланади. Шу билан бирга Жамол тимсолида гоҳ тўқима, гоҳ реалистик деталлар орқали яхлит картина чизилади. Унинг ҳаёти юқорида зикр этилган турли давр саналари билан боғланиб боради. Жамолнинг илк хотиралари болаликдан бошланган. 1960 йилнинг 10 январини Жамолнинг ўзлигини таниган

биринчи окшоми, қайғули окшоми сифатида ёдида муҳрланган эди. Бунда ҳам қаҳрамон руҳий ҳолати ва табиат манзараси ўзаро ўхшашлигини кузатиш мумкин: “Қош қораймоқда, қорасовуқ тобора забтига олар, ариқ ярим қулоч қалинликда музлаб ётарди. Лойлари қотиб қолган кўчанинг икки бетига тизилган қишлоқ ҳовлилари аччиқ изғириндан қунишган мусичалардек бўлиб кўзга ташланар, оппоқ қиров инган бир-ярим деразаларда хирагина чироқ шуълалари милтирарди. [3,10].

Ана шундай тунда Жамол ва онаси ҳовлида ёлғиз қоладилар. Отасининг бетоб бўлиб касалхонадалиги, акасининг шаҳарда ўқишдалиги учун кичкинтой Жамол ва онаси ўтин йўқлигидан эрталабгача музлаб қолмаслик учун кўшнлардан бир хокандоз олов олиб чиқишади. Бола ухлаб қолмасин деб она энг қизиқ ҳикояларни сўйлаб беради. Дастлаб эртақлар айтиб, ўғлини овунтирган она, уруш ва очарчилик йилларида оилалари бошига тушган ташвишлар, бирин-кетин тўрт қиз, бир ўғилни тупроққа қўйиб, шу иккигина ўғлига термулиб қолган онанинг ҳикояси эрталабгача чўзилади. Боласи кўлини куҳ-куҳлаб иситиб чиққан она ўғлига ўз насаблари ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Айниқса Жамолнинг ота авлоди эшонлардан бўлиб, мадраса кўрган, оқ-қорани яхши танигани ҳақида сўзлайди. Шу тариқа, Жамол болалик ҳикоялари орқали бобоси Фозил эшон қизилларнинг Бухорога босқини пайтида уйига тушган бомба портлашидан ҳалок бўлганлиги, унинг Ғафуржон, Шарифжон, Ҳожибой, Абдураим ва Абдуваҳоб исмли беш ўғли борлигини эслайди. Дастлабки уч ўғилни Шўронинг даҳшатли жазо машинаси қиймалаб ташлагани, яъни Ғафуржоннинг Қўқонда пахта заводи бўлиб, шўро гумашталари заводни тортиб олгач, уни отиб ташлагани, Шарифжон Файзулла Хўжаев бошлиқ “Ёш бухороликлар” фирқаси аъзоси экани ҳамда унинг издоши сифатида қатл этилиши, Ҳожибой эса қизил қатағондан қочиб хорижга жўнагани ва ўша ерда қора гуруҳчилар томонидан ўлдирилиши билан боғлиқ воқеаларни онгига муҳрлайди. Жамолнинг ёлғиз амакиси “қори Абдурахим” номи билан машҳур бўлса-да, вилоят фирқа қўмитасида қоровуллик қилиши, отаси Абдуваҳоб ака эса ўқитувчилигини билиб олганди... Шу тариқа болага ўз шажараси ҳақида ҳикоя қилиниши асар учун ўйлаб топилган деталь эмас, давр эҳтиёжидир. Жамолни шу жиҳатдан истиқлол йилларидагина ўтмишини хотирлашга маънавий эҳтиёж сезган авлоднинг умумлашма образи дейиш мумкин. Чунки, ўтган асрнинг 60-80-йилларидаги ва ундан илгариги 20-30-50-йиллар тафсилоти ҳам катта авлоддан ёш авлодга пана-панада бўлса ҳам етказиб келинган. Акс ҳолда ўша давр тарихи бутунлай унутилган бўлур эди. Аммо буни баралла айтиш, ноҳақликларга қарши курашиш имкони бўлмаганидан, халқнинг дарди ичида бўлиб келди. Фақат истиқлол ва унинг адабиётидагина бу тарихий воқеликлар ҳақида эмин эркин сўзлаш ҳуқуқини бермоқда. Жўра Фозил романининг муддаоси ҳам шу. Асардаги ҳар бир ўқинчли, қайғули воқеалар шу сабабли табиат ва жамиятдаги ўхшаш манзараларда рўй беради. Кузнинг аёзли сўнгги кунлари ва қишнинг изғирини инсон руҳиятидаги қайғуга монанд. Яшилланиб уйғонган баҳор ёки ғарқ пишиқчилик ёз фасли, ёки эрта кузнинг хузурбахш шабадаси, тўкин-сочин меваси эмас, айнан тирамоҳ мавсуми бутун роман давомида тасвир объектига айланади. Жамолнинг қайғули умри мисоли тирамоҳнинг зерикарли кунлари ёнма-ён тасвирланади.

“Ўзликни ва оламни англаш, – деб ёзади адабиётшунос И.Ёкубов, – изоҳлаш ҳамда тасвирлашда ранг-баранг йўللардан бориш, тараққиёт йўсинларини муайян шахсларнинг руҳият манзаралари орқали ифодалаш имкониятлари кенгайган” [2, 262].

Рост, айрим табиат манзаралари инсон қалбини қувонтиради. Бу ҳам бўлса Жамол кайфиятига монанд қизилади: “Туни билан ёққан илиқ ёмғир шаҳарда тинди. Булутлар тарқаб, тип-тиниқ осмон Қуёшнинг илк нурларидан ложувард тус олди. кўкларнинг ёмғир, гул ҳиди аралаш намчил эпкинни дарахт шоҳларини тебратар, боғларда қушлар сайроғи авжига чиқмоқда эди.” [3,13]. Бу манзара Наврўз айёми кунлари билан боғланиб, “1965 йил 21 март” сарлавҳали фаслида баён қилинади. Жамол эса худди шу кунлари кўшни қиз Муаттар билан таниша бошлаган, ораларида пайдо бўлажак илк муҳаббат куртаклари ниш ураётган эди.

Романда оз бўлса-да, шунга ўхшаш тароватли манзаралар, хуш кайфият бағишловчи кўнгил розлари ўз ифодасини топган. Аммо ёзувчи романда кўпроқ Жамол ва акаси Камол тақдири билан боғлиқ нохуш ҳодисаларга кенгроқ ўрин беради. Айтайлик, “1965 йил, 5 декабрь” фасли яна тирамоҳ манзараси билан бошланади: “Элакда ун элагандек майин қор ёғади. Майда юлдузчаларга монанд учкунлар ёмғирнинг оғир томчиларига аралашган, эгатлар шилта лой. Қор

ва ёмғир томчилари бор-будидан ажраган ғўзапояларга “чип”-“чип” ёпишиб, музлаб қолар, қўллари тилиниб кетган ўқувчилар бийдай даладан “ялт” этган пахта излашади.”[3,16]. Ана шундай шароитда Жамолнинг акаси Камол ўқитувчи сифатида болаларнинг бошида туриб “пахта тердирарди”. Аммо теришнинг иложи йўқлигидан, ҳамма тўда-тўда бўлиб, гулхан ёқиб исиниб ўтиришганда раис ва туман фирка қўмитаси иккинчи котиби келиб қолади ва ўқитувчини саботажчи-пахта теримини барбод қилган зараркунанда сифатида райком бюросига чакиришади. Камол эрталаб туман маркази Ромитанга жўнаб, уйига кечга томон қайтади. Отаси Абдувахоб аканинг хавотирланиб берган саволларига:

Э-э,— қўл силтади ўғил лоқайд оҳангда. Бу райкомдагиларнинг мияси ишлайдими, ўзи? Ҳаммаси оч итдек менга ташланди. КПСС сафидан ўчиришга бир овоздан қарор қилишди. “Мен партия аъзоси эмасман” деганимдан сўнг, стол тўрида ўтирган кўзойнакли кишининг жазаваси тутиб қолди. У Норовнинг ўзига ўшқириб, стол муштлади. Сўнгга менга ҳайфсан беришди.

Камол ўзини кулгидан зўрға тийиб турарди. Отасининг жаҳли чикди.

Ҳайфсан олибсан-у яна куласанми?

Қизикмисиз, ота? У шўринг курғурларни ақли ноқис-ку! Ахир мен партия аъзоси эмасман, ҳайфсан беришга ҳақлари йўқ-да! Менга ҳайфсанни мактаб директори ёки халқ маорифи бўлими мудир бериши мумкин,—деди Камол тап тортмай [3,18].

Муҳокама ва натижалар. Умуман, романда шунга ўхшаш яқин ўтмишимиздаги реалистик воқеалар анча таъсирчан акс этган. Гарчи бу асарда биргина оила, туман мисолида кўрсатилган эса-да, бутун халқ ҳаётининг умумлашма образи бўла олади. Ж.Фозил воқеликнинг реаллигига диққатни қаратиш мақсадида макон ва замонни аниқ тасвирлайди. Бу бир қадар чекланганликни юзага келтирса ҳам замондош ўқувчига давр ҳақиқатини англаштиришда муҳим роль ўйнайди. Чунки, бугунги ёш авлод эртақлардан кўра интеллектуал салоҳиятга бой қаҳрамонлар тақдирига кўпроқ қизиқади. Ўз халқининг ўтмиши, тарихи кенг ёритилган маърифий асарларга эҳтиёж ҳамон катта. Шу маънода, ёзувчининг қаламга олган воқеаларида бадиий тўқимадан кўра тарихий воқелик устунлиги яққол англашилади.

“Кекса тарихнинг узун йўлларида тафаккур ва маданият бирга, тенгма-тенг юксалган бўлса, “тараққиёт” деб эътироф этилган. Тараққиёт, энг аввало, онг ва идрокнинг юксалиши, янги поғонага кўтарилиши, дунёни ва оламнинг янги босқичда англаниши эвазига юз беради. Адабиётнинг эртасини бугунги тафаккуримиз белгилайди. Қайси миллатнинг тафаккур уфқлари истиқболли бўлса, ўша миллат эртага дунёга янги сўз айта олади, янги шакл тавсия қилади, мавжудликка янги маъно топиб беради. Модернизмнинг ҳам, бошқа “изм”ларнинг ҳам, умуман, сўз санъатининг истиқболи ҳам шу билан белгиланади [5,29].

Романда Жамолнинг саргузашт эмас-у, ҳаракат чизиги билан боғлиқ воқеаларда турли макон ҳамда замон ходисалари тизимланади. Асарнинг “1969 йил 14 февраль”, “1969 йил 30 июнь”, “1969 йил 24 декабрь”, “1970 йил 8 август”, “1970 йил 6 сентябрь” сарлавҳали фаслларида Жамолнинг ҳарбий хизмат сафида хизмат қилиши билан боғлиқ айрим воқеалар ҳикоя қилинади. уларда Бойқўнғир, 118-майдонча, Ойга учиши керак бўлган ракетанинг портлаб кетиши, Узок Шарқ ўлкасининг Амур вилоятига қарашли Архара манзили, Зея дарёси, Совет-Хитой чегараси каби аниқ маконларда рўй берган воқеалар тафсилоти баён қилинади. Оддий аскарлар ҳаётининг ўзига хос машаққатлари билан бирга, собиқ шўро тузумининг аскарларга кўрсатган “катта ғамхўрлиги” совуқ изғиринда на иссиқ бошпана, на тўйимли озиқ-овқат етказиб беролмаганидан, кечкурунлари мовий кўзли маҳбубалар кетидан санғиш, ўйин-кулги, ичимлик ичиб ўзини овутишдан бошқа чора йўқлигини-да тилга олади.

Бундан ташқари, Жамолнинг ўз номига монанд дўсти Содиқ билан кечган аскарлик йиллари, икки йиллик хизмат давомидаги муҳаббат мактублари, аммо синфдоши Ҳамиднинг хиёнаткорона мактуби туфайли Муаттарнинг ўзига ўт кўйиш воқеалари баён қилинганки, бу мавзуларнинг барча адабиётда турли хил талқин қилинган. Жўра Фозил эса бу романида давр фожиаларига айланиб улгурган шу мавзуларини Жамол қисмати орқали акс эттиради. Яъни барча кўргуликлар Жамол образи атрофида рўй беради. Унинг қисматида ялт этгулик бахтли дақиқалар жуда кам. Дастлаб, онасидан, сўнгга отасидан, биргина акасидан ҳам айрилган, сўнгга унинг туман газетаси ходимига бериладиган жуда оз миқдордаги маошига кўника олмаган хотини болаларини олиб отасиникига кетиши, отасидан қолган эскигина уйида бир умр биринчи

мухаббатидан кўз юмолмай, унинг хотираси билан ёлғиз яшаган Жамол образи гўё тузум дардларидан хасталанган вужудга ўхшайди. Унинг мухаббати, орзулари, ҳаёт манбаи ўтмишга дахлдор. Вояга етган фарзандларининг ачинарли қисматига қараб туриб, ҳеч нимани ўзгартиролмайди. Ўғлининг тўйига қатнашмаган ҳам. Невараси касалхонага тушганда дори олиб бергулик пули йўқ. Қизи эса онасининг бизнес қилиб катта пулга тушгани учун бир нокас кимсага тегишга мажбур, унинг ароқхўрлигини билса-да, иложсиз. Жамол ўғил бўлиб ота-онасига хизмат қила олмайди, ука бўлиб ёлғиз акаси устози ва меҳрибон жигаргўшасини ўз вақтида йўқлаб туролмайди, йигит бўлиб севганига етишолмайди, ота бўлиб эса фарзандлари учун қалқон бўлишга қурби ҳам, кучи ҳам йўқ. Уни тушунадиган ёлғиз дўсти Содиқнинг ўлими шу сабабли унга жуда қайғули эди: “Эй худо, дерди у ўз-ўзига, бу не сир-синоат? Ахир энг яқинларинг – ота-онанг, аканг қазо қилганда, хотининг, ўғлинг сени ёлғиз ташлаб, ўз-ўзлари билан бўлиб кетишганида, ҳатто ёлғиз суюкли қизинг эрини деб юзингга оёқ босганида шунчалар фарёд чекмаган эдинг-ку! Нега энди биргина дўст дея шунчалар жигаринг тўкилди?” ҳа, барча йўқотишларда у билан бирга бўлган дўсти ҳам энди йўқ эди. энди эса йўқсизликнинг барча-барчани ютиб юборгулик бу уммонда унга елка тутадиган бирор кимса қолмайди.

Ёзувчининг Жамол образини тасвирлашдаги шафқатсизлигини тан олмай илож йўқ. у бирор соҳада бахтга эришолмайди. Бир умр туман газетасининг ходими сифатида ўз касбини севиб, фидойилик билан узоқ яйловлар-у, чўлу даштлардан мақолалар ёзиб, очерклар битса ҳам ютуқлари кўринмайди. Ҳикоянависликда эса китоб чиқараман деб овора-ю сарсон бўлишдан, марказий таҳририятлардан нуқул бир хил совуққина гап эшитишдан нари ўтмайди. Тўғри, Ҳаёт деб аталмиш улкан уммонда бу каби тақдир эгаси бўлиши мумкин. Аммо, романда ижобий қаҳрамон сифатида талқин этилган бир образ атрофида шунча кўнгилсизликнинг юз бериши, ҳеч бўлмаса бир чимдим бахтга муяссар бўлолмаган инсон қисмати ўқувчига қандай тарбиявий таъсир этиши мумкин? Аксинча, асардаги Анна, Маҳбуба исмли аёлларнинг унга бўлган муносабати салбий таассурот уйғотади. Ҳатто илк мухаббати Муаттарнинг тутган йўли-да ибратли эмас. Ёзувчи балки реал бир шахс ҳаётини прототип қилиб олган тақдирда ҳам унга ўқувчини эргаштира оладиган деталларни умумлаштиришни хотирдан чиқармаслиги керак, бизнингча. Чунки асар давомида ўқувчи Жамолдан яхши мужда кутади, на дўст, на оила, на ишхона, на жамият, на ҳаётдан кўнгли тўлмаган шахсни ким деб атаймиз? Шундай бўлса-да, романдаги воқеликнинг аниқ макон ва замонда тасвирланиши, инсон руҳиятини очиб беришда табиат тасвиридан кенг фойдаланиш анъанаси асар қимматини оширган. Ундаги автобиографик характер ҳамда ижтимоий воқелик ифодаси эса роман жанрининг ўзига хос кўриниши эканлигидан далолатдир.

“Тирамоҳ армонлари” романида бадий-тасвирий воситалар билан бирга аниқ фактик маълумотлар, ижтимоий воқелик баёни ҳамда ёзувчи шахси билан боғлиқ деталлар талайгина. Адабиётшуносликда Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси автобиографик характердаги қисса тарзида эътироф этилади. Сабаби, унда муаллифнинг болаликдаги дўстлари, ўзи яшаган маҳалла номлари айнан келтирилганлиги таъкидланади. Шу нуқтаи назардан қаралса, романда юқоридаги фаслда зикр этилган аниқ йиллар ва саналар, жой номлари ёзувчи шахсига дахлдор, дейиш мумкин. Асардаги Жамол, Камол образи орқали муаллифнинг ўзи ҳамда акаси Яхё Абдуваҳоб ўғли прототип қилиб олинган. Чунки, Ж.Ғозил ҳаёти ва ижоди ҳақидаги лавҳалар буни тўла тасдиқлайди. ёхуд, акаси Яхё Абдуваҳоб ўғлининг ҳам вилоят газетасида ишлагани ҳақиқат. Биз унинг таржимаи ҳолидан биринчи йил ўқишга киролмагани, сўнгра акасининг ёнида туман газетаси босмахонасида ҳарф терувчи бўлиб ишлаганидан воқифмиз. Сўнгра эса ТошДУ журналистика факултетида таҳсил олгани муаллиф ҳақидаги барча маълумотномаларда учрайди. Роман қаҳрамони Жамол ҳам айнан шундай тақдир эгаси. Айниқса, унинг журналистика факультетидаги таҳсили билан боғлиқ лавҳаларда бу ёрқин кўринади: “Янги йил байрамидан сўнг Тошкентга келган Жамол диплом ишини ёзишга киришиш олдидан жорий имтиҳонларни топширмакда эди. “Ўзбек бадий публицистикаси” фанидан бўладиган имтиҳонга сирдан ўқувчи талабалар жуда пухта тайёрланишди. Чунки имтиҳон олувчи профессор Очил Тоғаев адолатли бўлса-да, жуда қаттиққўл эканини яхши билишарди”[3,90]. Жамолнинг бу очеркшунос профессор билан бўлган суҳбати, ундан олган сабоқлари романда бутун борлиғича киритилган. Ҳақиқатан, у профессор ҳақида кўпчилик билади ва асар муаллифининг далили аниқлиги кўриниб туради.

Шунга ўхшаш, муалифнинг Ромитанда истикомат қилиши, туман газетасининг то ханузгача муҳаррир ўринбосари, кейинчалик муҳаррир сифатида фаолият кўрсатиши ўз асосига эга. Ёхуд, романда Жамолнинг ёзувчиликка бўлган ҳаваси, ҳикояларини чоп этиш билан боғлиқ лавҳаларда муаллиф шахси кўриниб туради. Бу ёзувчига воқеликни ишонарли тасвирлашида кўл келади, албатта. Қолган образлар тасвирида ҳам маълум даражада аниқлик сезилади. Масалан, хотини Мамлакатнинг онаси Бухородаги аёллар ҳаммоми чиптафуруши экани, отаси Абдувахоб аканинг ўқитувчилиги кабилар шундай таассурот уйғотади. Шунингдек, романда Қизилкум чўллари, Газли билан боғлиқ воқеалар аниқ далилларга эгаллиги аён. Шу ўринда романнинг жанрий хусусияти ҳақида ҳам айрим мулоҳазаларни билдириш мумкин. Маълумки, истиқлол адабиётида маърифий, биографик романлар учрайди. Н.Каримовнинг “Ғафур Ғулом бадийи олами”, “Махсуд Шайхзода” асарлари шундай эътироф этилади. Аммо уларда олимона тадқиқотчилик устувор. Жўра Фозилнинг “Тирамоҳ армонлар” романида автобиографик хусусият билан бирга ижтимоий воқелик тасвири ҳам кенг ўрин эгаллайди. Ёзувчи қаҳрамонлари, кўпинча Жамол реал воқеликка аралашиб, кўпроқ тасвир эмас мушоҳадакорликка берилади. Ҳар бир воқеа аниқ далил билан асосланади. Аниқроғи, публицистиканинг очерк, эссе жанрига хос деталлар устунлик қилади. Масалан, асарнинг “1972 йил 4 апрель” қисмида Жамолнинг Газлидан Хоразм томонга йўлга чиқиб, машинада чамаси 20-25 чақирим юрилгач, шимоли Ғарб томонда туя ўрқачига монанд қирлар аслида инсоннинг атроф-муҳитга нотўғри муносабатлари ҳосиласи эканлиги ҳақидаги хулосалари шундан далолат беради. Бунинг сабаби эса 1960 йил февраль ойида Газлидаги 108-газ қудуғида содир бўлган машъум портлаш ва йигирма ойдан ошиқ давом этган ёнғин тарихига оид қайдлар чинаккам ижтимоий ҳодисадир. Жамол болалигида бу ёнғинни ўз қишлоғидан туриб кузатган. Ёнаётган қудуқ алангаси шу қадар кучли эдики, Газлидан юз километрча олисда бўлган қишлоқдан бемалол кўзга ташланарди. Қоронғу тушиши билан уфқ кип-қизил тус олар, осмонга ўрлаган улкан аланга кўзни қамаштириб, юракларга даҳшат соларди.

Жамол журналист сифатида ана шу воқеа тафсилотларини гувоҳи бўлганлардан ёзиб олиш мақсадида бу ерга ташриф буюрганди. У ана шу газ қонида узок йиллар ишлаган, дунё ташвишларидан сочи оқарган пайғамбар ёшидаги Эргаш ака билан суҳбатлашади. Романда бу суҳбат ва Эргаш ака ҳикояси анчагина муфассал келтирилган.

“...1956 йил, декабрь. Газли кенгликларида изғирин шамоллар эсар, 2-Ғажди қудуғида пармалаш ишлари қизғин эди. 15 декабрда парма олмослари 618-метрда етганида ажойиб ҳодисалар юз бера бошлади. Ер қаъридан олов отилиб чиқарди. Ишни бир муддат тўхтатдик. Тошкентдан нуфузли комиссия чақирилди. Казо-казоларнинг хулосасига кўра, қудуқни цементлашга қарор қилдик. 27 декабрда ишга келиб не кўз билан кўрайликки пармалаш минораси, қувурлар, кўтаргич ва дизеллар ер қаърига чўкиб кетган, ҳосил бўлган улкан чуқурлик юракларга ваҳима соларди. Хуллас, 2-Ғажди қудуғи ет қаърига сингиб кетди.

108-газ қудуғини пармалаш ишлари 1960 йил 26 январда бошланди. ... 25 февраль куни эрталаб соат саккизда ўлчов асбоблари ер ости босими кескин ошиб кетганини кўрсатди. Ер остидан кучли газ ва қум оқими отила бошлади. 28 февралда пармалаш минорасини йиқитиш, асбоб-анжомларини йиғиштириб олишга қарор қилдик. Минора кулаётиб, аллақандай темир анжомга тегиб кетди ва учкун чиқиши оқибатида ер остидан отилаётган кучли газ оқими портлаб, ёна бошлади. Ёнғин жуда даҳшатли эди. 108-қудуқ атрофида, Қизилкум яйловларида қиёмат-қойим бўлди. Ёнғин 20 ой давом этди, уни 1961 йил 19 ноябрдагина ўчиришга муваффақ бўлдик.” Жамол ана шу тафсилотларни ўргангани билан уни бирорта матбуот босишга рухсат бермаслиги аён бўлади ва аксининг маслаҳати билан бу далилларни қачондир асарлари маъзига сингдиришга рози бўлади. Шу билан бу ёнғинни бутун Бухоро, Ромитан кўрган бўлса ҳам, унинг сабабларини ойдинлаштириш мумкин бўлмаган. Бу ёнғиннинг табиатга келтирган катта зарари ҳақида ёзмокчи бўлган Жамолга ҳамма эшиқлар берк эди. Шунга ўхшаш, Қизилкумнинг олис Сапронқудуқ яйловларидаги кийик овилар ва унинг бошида турган валломатлар ҳақидаги мақола ёзиш орзуси ўз вақтида рўёбга чиқмаган.

Хулоса. Бинобарин, романда шунга ўхшаш ижтимоий-сиёсий мавзудаги воқелик баёни жанр хусусиятида публицистик тамойилнинг етакчилигига олиб келган. Асарда бунга ўхшаш мулоҳазалар анча салмоқли ўринга эга. Жамолнинг журналистик фаолияти давомида дуч келган воқеалар, даврнинг долзарб муаммолари қаламга олинishi ўша тарихни ойдинлаштиришда муҳим

роль ўйнайди. Бироқ, романдаги бадиийлик, юксак бадиий пафос ўрнини публицистик руҳ эгаллайди. Шу сабабли, бу асарни истиқлол даври адабиётига ҳос янги тамойилларга тўйинган, давр эҳтиёжига кўра ёзилган публицистик роман дея эътироф этиш хато бўлмайди. Унда публицистик ижодга ҳос кузатувчанлик, аниқлик, мушоҳадакорлик, мавжуд ижтимоий ҳодисаларга муносабат билдириш каби хусусиятлар талайгина. Ёзувчи услубида ҳам шу ижод тури етакчи. Бадиий-тасвирий воситалар эса бадиий публицистикага ҳам ҳос.

Асардан ўрин олган 1988, 1991 йил воқеалари тасвирида ҳам ижтимоий-сиёсий воқелик қайта қуриш, мустақилликка эришилган кун ҳамда у ҳақдаги муносабатлар шундай ҳулосани далиллайди. Зотан, Жўра Фозил ёзувчи журналист сифатида ўз даврининг кўзу қулоғи, виждони сифатида асарларида бўй кўрсата олган. Жамол тимсолида ўз шахсияти, қарашлари ҳамда илму-аъмолини ёрқин чизгиларда ярата олган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик – миллий ғоямизнинг пойдеворидир. – Т.: Тасвир нашриёт уйи, 2021. – 36 б.
2. Ёқубов И. Мувозанат эҳтиёжи ва изтирови / Улугбек Ҳамдам. Мувозанат. – Тошкент: Академнашр, 2011. – Б.16-23.
3. Жўра Фозил. Биз лола термаган баҳор. – Бухоро: Бухоро, 2010. – 142 б.
4. Каримов Ҳ. Истиқлол даври адабиёти. – Т.: Янги нашр, 2010. – 364 б.
5. Назар Эшонқул. Мендан “мен”гача. – Т.: Академнашр, 2014. – 512 б.
6. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 546 б.